



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 24 июль, № 150 (9045)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

БЮДЖЕТ ВА ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 июль куни Ҳисоб палатасининг фаолияти ҳамда ижро тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Ҳисоб палатасининг иш услуби ўзгарди, унинг ваколатлари кенгайтирилди. Эскича текширувлардан воз кечилиб, молиявий, мувофиқлик, самарадорлик ва стратегик аудит тизими жорий қилинди.

Эндиликда бу палата фақат назорат қилувчи эмас, балки бюджет интизомига қўмаклашувчи ҳамкор идорадир. Шу боис асосий эътибор молиявий интизом бузилишининг олдини олиш, бунинг омилларини таҳлил қилишга қаратилмоқда.

Масалан, бу йил 6 ойда ўтказилган аудит тадбирлари натижасида 5 триллион 600 миллиард сўм самарасиз бюджет харажатлари қисқартирилган, бюджетга 5 триллион сўм қўшимча тушум имконияти аниқланган.

Мамлакатимиз иқтисодиёти изчил ўсиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, молиявий назорат қўламини ва иш ҳажмини ҳам оширади. Буни қамраб олишнинг самарали йўли — рақамлаштириш. Шу мақсадда “Масофавий аудит” ахборот тизими ишга туширилган. Ҳозиргача у орқали 4 триллион сўмлик камчиликлар бартараф этилган.

Тақдимотда энди тизимга сунъий интеллектни жорий қилиб, камчиликларни келтириб чиқараётган омилларни бартараф этиш вазифаси қўйилди.

Ўтган йили 12 та вазирликда молиявий назорат бўйича ташкил қилинган ситуация марказларнинг кўрсаткичлари қайд этилиб, бу тизим жорий йилда яна 10 та вазирлик ва идорага кенгайтирилиши белгиланди. Шу билан бирга, бюджет ташкилотларига ички аудит ва ички назорат тизимларини такомиллаштириб, Ҳисоб палатаси билан ахборот алмашувини кучайтириш бўйича топшириқ берилди.

Президент Фармонига асосан давлат аудити халқаро стандартлар даражасига чиқарилмоқда. Ҳисоб палатаси ходимлари бир йил давомида халқаро аудиторлар билан биргаликда ишлаб, тажриба тўплади. Натижада ташқи қарз ҳисобидан бўлаётган лойиҳалар халқаро мезонлар асосида аудитдан ўтказилмоқда. Бундай тартибни лойиҳаларнинг илк босқичларидан бошлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу йил 16 июнь куни ислохотлар натижадорлиги таҳлили бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ҳисоб палатасига “Халқ назорати” платформасини барча ҳудудларда йўлга қўйиш топширилган эди. Тақдимотда мутасаддилар бу борада бошланган ишлар ва зарур чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берди.

Бу тизим орқали қурилиш, инфратузилма, коммунал хизматлар, энергия таъминоти, транспорт, йўл, экология каби соҳалардаги муаммолар бўйича хабар берилди. Уларни ҳал қилиш учун порталга барча вазирлик, идора ва ҳокимликлар уланади.

Ҳозирги кунда бу дастурни сунъий интеллект асосида такомиллаштириш, вертикал назорат тизимини йўлга қўйиш, колл-марказлар ташкил этиш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга ижро интизоми-ни мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва тежамкорликни таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.



Истиқлолни, озод ва обод ҳаёт, адолатли жамият барпо этишдек улуг имкониятни қўлга киритган халқимиз бугун тараққиётнинг янги доvonларини забт қилиш учун ҳамжиҳатликда дадил олдинга интилмоқда.

Дунёда тинчлик-тотувликка таҳдидлар кучайган, онгу қалбга қаратилган хуружлар макон ва замон чегараларини тан олмаётган ҳозирги оғир ҳамда мураккаб бир даврда олдинга қўйилган марралар сари собитқадамлик билан интилиш, бу йўлда муайян ютуқларни қўлга киритиш, тўғриси, осон эмас.

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИНИНГ НУРЛИ САҲИФАЛАРИ

Халқ дейдики...

Ўзбекистон эса Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси, оқиллиги, улкан салоҳияти, ватанпарварлиги, халқсеварлиги туфайли янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Ватанимизнинг сурату сийратини янгилаш, фаровон ҳаёт қуриш, инсон қадрини юксалтириш, жамиятда адолатни, қонун устуворлигини таъминлаш, ёшларнинг орзулари рўёби учун шарт-шароитлар яратиш борасида асрларга татигулик муваффақиятларга эришилмоқда.

Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо қилаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив зарурат.

Демак, мақсадимиз аниқ, йўлимиз ойдин. Кўзланган марраларга эришишимизда қатъият, куч-салоҳият етарли. Кейинги йилларда олиб борилаётган ислохотлар, амал-

га оширилаётган ўзгаришлар, эришилаётган ютуқлар ана шундай дейишимизга, ишончимизга асос бўла олади.

Шубҳасиз, ўтаётган ҳар кунимиз — тарих китобининг бир саҳифаси. Бугун халқимиз ана шу шонли китобнинг зарварақларини безаш, янги мазмун билан бойитишдек улкан бахтга мушарраф бўлиб турибди. Зотан, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий бобомиз:

Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от, —

дер экан, ҳар бир инсон учун ўзидан эзгу из, яхши от қолдириши улуг саодатлигини таъкидлайди.

Эртаю кеч изланишдан тўхтамай, жонқуярлик, матонат кўрсатиб меҳнат қилаётган инсонлар, шаксизки, бугунги дориламон қонларнинг, нузли келажаkning бунёдкорларидир.

Махсус қўшсаҳифамизда ана шу қайноқ жараёнларнинг иштирокчиси, заҳматкашлари, фидойилари бўлган айрим юртдошларимизнинг дил сўзлари, фикр-мулоҳазалари гаетхонларга тақдим этилмоқда.

2 ва 3-саҳифаларга қаранг. ➡



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚИЁФАСИ

БУ ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ОЧИҚЛИК ВА ИНСОН ҚАДРИГА АСОСЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТДИР

Янги Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёт йўли халқаро майдонда тобора кўпроқ қизиқиш уйғотмоқда.

Хусусан, эришилаётган натижалар, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ўз исботини топган ички ва ташқи сиёсат туфайли

■ Дунё нигоҳи

Али БАКЛАН,
туркиялик инвестор,
Ўзбекистоннинг Бурсадаги
фахрий консули:

— Беш йилдан бери Ўзбекистоннинг Бурсадаги фахрий консули сифатида ишлаб келаман. Бу вақт мо-

байнида бир неча бор мамлакатингизда бўлдим. Ва ҳар гал Ўзбекистоннинг нақадар жадал ва барқарор илдамлаб бораётганига гувоҳ бўляпман. Энг асосийси, ушбу тараққиёт мамлакатининг чекка ҳудудларида ҳам амалга ошмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда инвесторлар учун катта имкониятлар тақдим этилди. Мен Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида қишлоқ хўжалиги соҳасига инвестиция киритдим.

➡ 5

Муносабат

ЖИЗЗАХ ЗАМОНАВИЙ, ОБОД ВА ГЎЗАЛ МАСКАНГА АЙЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг вилоятларга ташрифи ҳамisha халқимиз томонидан мамнуният билан қабул қилинади. Зеро, ҳар бир ташрифдан кейин ҳудудларда улкан ўзгаришлар рўй беради, янги корхоналар қад кўтаради, одамлар фаровонлигига хизмат қиладиган иншоотлар, масканлар пайдо бўлади. Жиззах вилояти ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Жиззах табиати фусункор — бог деса, боги, тоғ деса, тоғи, кўл деса, қўли, чўл деса, чўли бор, Яратган ўз неъматлари билан сийлаган, бетақрор, мамлакатимизнинг марказий қисмида жойлашган ҳудуд. Бироқ яқин-яқингача бу ҳудуд ҳақида кўпчиликда кенгрок тасаввур йўқ эди. Жиззахни шунчаки Самарқанд билан боғлайдиган манзил деб билишарди. Йўловчи ва транспортлар ўтиб-қайтадиган йўл, жуда ошиб борса, Бахмал олмаси, Мирзачўл қовуни ёки Жиззах сомсаси сотиладиган жой деб биларди холос. Бу бежиз эмас. Анча вақтгача Жиззах “ўз аравасини ўзи тортолмаган”, дотациядан боши чиқмаган вилоят эди. Айтилики, 2016 йилда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 7,7 трлн. сўмни ташкил этган. Давлатимиз раҳбарининг ҳудудга ҳар бир ташрифидан кейин улкан янгиланишлар юз берди. 2024 йилда ЯХМ кўрсаткичи 43,1 трлн. сўмга етди. Ўсиш 6 бараварни ташкил қилди. Аввал Жиззах ви-

лоятининг саноати, асосан, ун, ёғ ва пахтадан иборат бўлган. Вилоят марказида барқарор ишлаб турган корхоналар санокли бўлиб, улардан бири Жиззах аккумулятор заводи эди. Қолганларини эса оҳак ва цемент ишлаб чиқарадиган кичик-кичик цехлар ташкил этарди.

Тўғри, ҳудудда саноат зонаси бор эди, бироқ номига ишларди, амалда хувуллаб ётарди. Саккиз йилда Жиззах қишлоқ хўжалиқига ихтисослаштирилган вилоятдан саноати ривожланаётган ҳудудга айланди. Ўзингиз айтинг, бир пайтлар Жиззахда машина ишлаб чиқарилади деса, биров ишонармиди? Йўқ, чўлда автомобиль заводи қуриб бўладими дейишарди. Ҳолбуки, кейинги 8 йилда Жиззахда автомобилсозлик йўлга қўйилди. Қўйилганда ҳам замонавий, электр токига юрадиган, экологик тоза “BYD” автомобилларини чиқариш бошланди. Саноат вилоятнинг деярли барча туманига кириб борди.

➡ 5

137,5

триллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди

Факт ва рақамлар

Юртимизда 2025 йилнинг январь — июнь ойларида жами **137 562,1 млрд.** сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2024 йилнинг мос давридагига нисбатан **10,7 фоиз**ни ташкил этди.

Бунёдкорлик ишлари ҳажмининг **52,1 фоизи** кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан **8,1 фоиз** ўсгани ҳолда умумий ҳажми **71 647,3 млрд.** сўмга етган. Шунингдек, йирик қурилиш ташкилотлари томонидан **30 771,7 млрд.** сўмлик, норасмий секторда **35 143,1 млрд.** сўмлик қурилиш ишлари бажарилган.

Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган ишларнинг энг юқори ўсиш суръатлари Андижон, Тошкент ва Жиззах вилоятлари улушига тўғри келган.

Қурилиш ишлари иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлил этилганда, **69 фоизи** бино ва иншоотлар, **20,9 фоизи** фуқаролик объектлари, **10,1 фоизи** эса ихтисослаштирилган қурилиш ишлари йўналишига тўғри келади.



ВАТАНИМИЗ ТАРИХИНИНГ

Раҳбармисан, юрагинг ёниб турсин!

Ажойиб замонда яшаймиз-да. Гап-сўз яшиндай тарқалмокда, айниқса, ижтимоий тармоқларда. Яқинда Сирдарё вилояти ҳокими Эркинжон Турдимовнинг чиқиши кўриб, очиги, завқим келди.



“Маҳалла — давлатнинг юраги, раис эса ўша юракдаги масъулият-дир”, деди ҳоким. Сайхунбоддаги Пахтакор маҳалласи раисига танбех бериб, Рўзиев деган бир фуқаро

шунча муаммони қалаштириб ёзибди, сиз бундан нега беҳабарсиз, туман ҳокимия муассаддиларни маҳаллага таклиф этиб ўша жойда одамлар билан мулоқот уюштирмайсизми, деди. Бу менинг кулоғимга бир кўнғирокдай туюлди. У бугунги раҳбар қайси лавозимда ўтиришидан қатъи назар, эл дардини юракдан ҳис қилиши, камчиликка тоқатсиз бўлиши лозимлигини эслатди.

Дарҳақиқат, бугун инсонга, оддий фуқарога муносабат ўзгарди. Президентимиз катта-кичик раҳбар-

ларнинг фақат “кабинет”да ўтириб эмас, пастга тушиб, яъни халқнинг ичида бўлиб ишлаши кераклигини, оддий одамларнинг дарду ташвишларини ўзиникидек билиб, уларни ҳал қилиши лозимлигини таъкидлаб келмокда. Юртбошимизнинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган шиори давлат ва халқ ўртасидаги мулоқотнинг янги механизмларини ҳаётга татбиқ этишга замин бўлмокда.

Бугун ҳар бир инсонга, айниқса, раҳбар учун жонқуярлик, ғайрат-шижоат, фидойилик керак. Қани энди ёшлик қайтса-ю, Президентимиз сиёсатига камарбаста бўлиб кунни

тунга улаб ишласанг. Баъзан тенгдошларим “80 ёшдан ошган бўлсанг, нега бунча куюнасан, фермерликни ҳам бермайсан, бизга ўхшаб пенсияни олиб ёт, қолганини ёшлар қилади”, дейди. Уларга қарата “Э, ношуд, Қорақалпоғистонга, ўзимизнинг Хўжайлига сен билан менга нисбатан юз карра, минг карра кўпроқ нафи тегаётган давлатимиз раҳбари чарчадим, дам олай дегани йўқ, бизнинг томошабин бўлишга ҳаққимиз борми?! Қорақалпоқ деса, ҳеч нарсани аямайдиган, Тўртқулу Мўйноқ-қача, Тахтақўпир Кеғейлига қадар барча овулу бепоён кўмликларга меҳрини берган Президенти-

миздан ўрнат олайлик!” дейман.

Илгари Қорақалпоғистонда тузук-роқ ишлаб чиқариш корхонасию олий ўқув юртининг ўзи йўқ эди. Нукусдан 200 километр узоқликдаги Мўйноқда кўп қаватли уйлар қурилади, саройлар ва болалар дам олиш масканлари пайдо бўлади дейишса, биров ишонмасди. Бугун ҳаммаси буткул ўзгарди, қорақалпоқ ёшлари эришаётган ютуқлар, уларнинг спорт, илм-фандаги ғалабалари нафақат Тошкентда, балки Европада, бутун дунёда тилга тушмокда. Бундан қувонмай, бу ўзгаришларга бефарқ бўлиб яшаш мумкинми?! Асло, йўқ!

Жумамурод ТОРЕМУРАТОВ,
Хўжайли туманидаги кўп тармокли фермер хўжалиги раҳбари,
«Шухрат» медали соҳиби.



Миллий ғурур, бу — қудрат

Кучли рақобат муҳити шаклланган дунёда хориз бозорларига тайёр кийим-кечакларни таклиф қилиш осон эмас. Чунки чет элларда фақат сифатли, тоза матодан ва бежирим дизайн асосида тикилган кийим-кечакларга талаб юқори. Шундай мураккаб шароитда хоризга маҳсулот чиқаришда ўзига хос ютуқларга эришаётганимиздан мамнунман. Бу, албатта, юртимизда ишбилармонларга катта ишонч билдирилгани, қолаверса, ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганининг ёрқин самарасидир.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Илгари биз хоризга фақат хомашё сотардик. Ўзимизда тикилган тайёр кийим-кечакларни чет эллик ҳамкорларга тавсия этишни тасаввуримизга ҳам сиғдиролмасдик. Буни қарангки, бугун хориз компаниялари ўзи кўнғирок қилиб, бизга буюртма берапти. Маҳсулотимиз сифатини тан олмокда. Демак, дунёга қўл узатдик, у бизга кучок очди. Буни мамлакатимизда ўтказилаётган халқаро инвестиция форумлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон дунё ишбилармонларининг мулоқот майдонига айланди. Бу бизга чексиз ғурур билан бирга катта масъулият ҳам юклайди.

30 йилдан буён тадбиркорман. Экспортчи-ишбилармон сифатида 2017 йилда тикувчиликка ихтисослаштирилган “O‘zimizniki” масъулияти чекланган жамиятига асос солиб, ўз брендини яратдик.

Иккита корхонамиз Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида, учинчиси Тошкент шаҳридаги Яқкасарой туманида жойлашган. Ростини айтсам, давлатнинг қўллаб-қувватлови бўлмаса, ҳеч нарсанга эриша олмасдик. Президентимиз томонидан ишбилармонликка қаратилаётган юксак эътиборни ҳар қадамда ҳис қилиб тураман.

2024 йилни катта меҳнат муваффақиятлари билан якунладик. Хоризий давлатларга 5 млн. доллар миқдорда болалар кийим-кечаклари экспорт қилдик. Жорий йилда бу кўрсаткич янада салмоқли бўлади. Қувонарлиси, хоризий давлатлар билан ҳамкорлигимиз мустахкамлашиб бормокда. Аммо тан олиш керак, биз уларга ҳозирча рақобатдош бўла олмаймиз. Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Мўғулистонда ишлаб чиқарилаётган кийим-кечаклар бизникига нисбатан анча арзон. Бу таннарх билан боғлиқ. Жаҳон бозорида ўз ўрнини топишимиз учун ишлаб чиқариш таннариhini арзонлаштиришдан бошқа йўл йўқ. Бунинг учун эса маҳаллилаштиришга катта эътибор қаратялмиз.

Корхонамиз номи бежиз “O‘zimizniki” деб аталмаган. Бу — Ватанга муҳаббат рамзи. Шу юрт ўзиники эканини ҳис қилиш, миллий ғурур — энг улуг туйғу. Унинг қудратини эса ўз фаолиятимиз мисолида чуқур ҳис этиялмиз.

Муҳлисахон АКРАМОВА,
«O‘zimizniki» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони соҳиби.
Тошкент шаҳри

Эътибор ва рағбат — ютуқлар пойдевори

Юртимизнинг бетакрор табиати, қулай иқлим шароити мўл-кўл мева-чева етиштириш имконини беради. Дунёда эса озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи ҳамisha долзарб. Шу боис мамлакатимизда мазкур соҳа изчил қўллаб-қувватланмокда. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва экспортга чиқариш билан шуғулланадиган тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратилапти.



“BMB HOLDING” компанияси таркибидagi “BMB AGRO PLUS” корхонамиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга ихтисослаштирилган. Мева-сабзавот маҳсулотларини замонавий технологиялар асосида қайта ишлаш, қуришти, сублимация қилиш, шок ва акустик усулларда музлатиш билан шуғулланамиз. Маҳсулотларимиз зарур мувофиқлик сертификатларига ҳам эга. Шу боис корхона маҳсулотлари Германия, Италия, Латвия, Бельгия каби қатор давлатларга экспортга чиқарилмокда.

Қўлга киритаётган ютуқларимиз ортда давлатимиз томонидан соҳага қаратилган эътибор, олиб борилаётган аниқ ва мақсадли ислохотлар турибди. Президентимизнинг 2024 йил 20 июндаги “Қишлоқ хўжалиги

ва озиқ-овқат соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Жиззах вилоятида агро-саноат салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган қатор чоралар кўрилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлашнинг 2030 йилгача мўлжалланган стратегияси, шунингдек, 2024 йил 16 февралдаги Президент Фармони асосида Жиззах вилоятида сув тежайдиган агротехнологиялар жорий қилинди, агролестика марказлари ташкил этилди. Бу чоралар маҳаллий тадбиркорларни, жумладан, бизники каби бошқа корхоналарни ҳам янада фаоллаштириш, янги қувватлар яратиш ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим туртки бўлмокда. Энг муҳими, тадбиркорлар давлатимиз уларни мунтазам қўллаб-қувватлаётганини, имтиёзлар яратяётганини ҳар қадамда ҳис қилмокда. Бу янги ютуқ ва истикболлар сари йўл очмокда.

Лотифжон МАМАТҚУЛОВ,
«BMB AGRO PLUS» корхонаси директори.
Жиззах вилояти



Келажак мактабдан бошланади

Эсимда, биз, муаллимлар жуда кўп қийинчиликларни бошимиздан ўтказганмиз. Янги ўқув йили бошланиши биланоқ пахта даласига йўл олاردик. Байрам нималигини билмасдик. Касб байрами — 1 октябрда ҳам пахта даласида бўлардик. Хуллас, декабрь ойигача йиғим-теримдан бери келмасдик.

Қўлам бошланиши билан яна мажбурий меҳнат, ҳашарлар бошланарди. Пахта чопик, катта йўл бўйини тозалаш, дарахт экиш, ғаллазорларга мол ораламаслиги учун тўсиқлар қилиш ва бошқа шу каби юмушларда ўқитувчилар “фаол” эди. Ўқув йили дастурлари қисқартирилиб, 3-4 ойда ўтиб бўлиниши керак эди. Бу ҳолатда ўқувчи сифатли таълим олишига ишониб бўладими?

Шуқрки, Президентимизнинг қатъияти, сиёсий иродаси билан ўқитувчилар, шифокорлар, бюджет

ташкilotида ишлайдиган ходимлар мажбурий меҳнатдан халос бўлди. Бунинг замирида жуда катта моҳият ётибди. Чунки юрт эртасини илмли, соғлом фарзандлар белгилайди. Уларга тўлақонли илм беришга давлатимиз томонидан қаратилаётган катта эътибор бугун ўзининг ижобий натижаларини бермокда.

Биргина мисол. Бизнинг Пахтачи туманидаги 29-мактабни 2023/2024 ўқув йилида 19 нафар битирувчи тамомлаб, уларнинг 18 нафари давлат олий таълим муассасаларига талабаликка қабул

қилинди. Илгари бундай юксак натижа қайд этилмаган. Кейинги йилларда ўз устида ишлаган ўқитувчилар қадрланяпти. Мисол учун, 15 йилдан бери шу мактабимизда рус тили фанидан дарс бериб келаятган Наргиза Ёрқулова олий тоифага ҳамда иккита халқаро сертификатга эга. Бугунги кунда у 1000 доллар эквивалентида маош олади.

Юртимизда таълим соҳаси ва муаллимлари қўллаб-қувватлашга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилаётгани бизни жуда мамнун этмокда. Бизга ишлаш учун, ўзимизни кўрсатиш учун имконият яратиб берилган экан, албатта, бу ишончни оқлаймиз.

Гулнора ШАРИПОВА,
Пахтачи туманидаги 29-мактаб ўқитувчиси.

Бахт келса — қўша-қўша...



Ҳар бир футболчи иккита орзу билан яшайди. Бир — терма жамоа либосида ўйнаш, иккинчиси — жаҳон чемпионатида катнашиш. Не бахти, менга ана шу орзулар рўйбени кўриш насиб этди. 2015 йилда “Насаф” жамоаси сафида майдонга туша бошлаган бўлсам, ўйинларим билан ўзимни кўрсатишга, терма жамоадан қақирув олишга астойдил ҳаракат қилдим.

Шуқрки, терма жамоамиз сафида ҳам қўллаб-ўйинларда майдонга тушибди. Бу йил муҳлисалимиз ортиқча кутган натижа — футболимиз тарихида илк марта жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритдик. Ўша кунларда қалбимда кечган ҳиссиётни, қувончни сўз билан ифодаб бера олмаيمان...

Бахт келса — қўша-қўша деганларидек, яқинда қувончимга қувонч қўшилди. Президентимизнинг “Ёшлар куни муносабати билан юртимизнинг фаол ва ташаббускор ёш авлод вакиллари билан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони асосан кўксимни “Келажак бунёдкори” медали безади. Бу — юксак шараф, фахр ва ифтихор, шу

билан бирга, катта масъулият ҳамдир. Аслида, бугун миллий футболимизда қўлга киритилаётган ютуқлар Президентимиз томонидан аниқ спорт турини ривожлантиришга, ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибор, яратиб берилаётган имкониятлар самарасидир. Биз, футболчилар бундай эътибор ва эътирофга келгуси йил АКШ, Канада ва Мексика яшил майдонларида ўтказиладиган жаҳон чемпионатидаги муносиб ўйинларимиз билан жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Бобур АБДУХОЛИҚОВ,
футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси,
«Келажак бунёдкори» медали соҳиби.
Қошқадарё вилояти

Инсон қадри ҳамма нарсадан улуг

Жисмоний чекланганлик ҳеч қачон инсон кўнглини чўқирмаслиги керак, чунки бу ҳам бир имтиҳон, аслида. Оғир синовлар каминани ҳам яхшигина “тоблади”. Лекин енгилмадим, умид билан курашиб яшада давом этдим.

Ёшлигимдан курашувчанман. Тенгқурларимдан ортда қолмасликка уриниб келганман. Мактабни битирганимдан кейин этиқдўзга шоғирд тушдим. Кейин эса новвойхонада ишладим. Новвойхона касби менга жуда ёқиб қолди. Шу касбда ўз ўрнини топдим, ўзимга мос қизга уйландим.

Шуқрки, фарзандларим — Жавлонбек ва Жўрабек соғлом. Бугун ўғилларимнинг бири ҳарбий, бири тиббиёт йўналишида талаба, жамият учун муносиб кадрлар бўлиб улғаймокда.

Оила келажagini ўйлаб маҳалла кўмаги билан тадбиркорликка қўл урдик. Турмуш ўртоғим Нилуфархон билан “Жавлонбек Барака Нон” оилавий корхонасини ташкил этдик. Давлат томонидан



жой ажратилди, имтиёзли кредит ҳам олдик. Фаолиятимиз ривожидан онажонимнинг дуолари ва сазй-ҳаракатлари бизга катта мадад бўлди. “Ёмғир билан ер кўкара, дуо билан эл кўкара” деган мақол моҳиятини шунда чуқур англаб етдим.

Бир кунда икки қоп ундан ҳамир қориб, тандирда нон пиширамиз. Кармана туманидаги марказий деҳқон бозорига ҳам нон

чиқарамиз. Рости, ўзинг ёпган нон элимиз дастурхонларини бегаз турганини кўрганимда жисмоний чекланганлик деган тушунча ҳам унут бўлар экан. Яшадан мақсад ҳам жамиятга наф келтиришдан иборат, аслида.

2024 йилда Президентимиз фармойишига мувофиқ “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирландим. Юрт раҳбарининг камтарона меҳнатимни юксак эътироф этиши “Инсон қадри ҳамма нарсадан устун!” тамойили ҳаётда ўз аксини топаётганига ёрқин бир мисол. Келгусида корхона фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринлари очиш ва жамиятнинг фаол ҳамда ташаббускор фуқаролари сафида бўлишга интиламман.

Жамшид ЗОХИДОВ,
Кармана туманидаги «Жавлонбек Барака Нон» оилавий корхонаси раҳбари.

Ўзбекистондаги давлат органлари учун киберхавфсизлик бўйича тренинглари дастури ишга туширилди.



НУРЛИ САҲИФАЛАРИ

«Замонавий ҳамён» — ишончли ва бежавотир

Банк пластик карточкалари ҳаётимизга кириб келганига анча йил ўтган бўлса-да, тан олиш керак, аввалига унинг турмушимизга сингиб кетиши бирмунча қийин кечди. Бир эсланг, бундан саккиз-тўққиз йил илгари етарли маблағ бўлишига қарамасдан, бозор ёки бошқа савдо нуқталарида пластик карточка орқали эркин харид қилиш амримаҳол эди.

Кундалик рўзгор учун харид бир нави-ю, шундай паллада, айтилиқ, тўй ёки бошқа бир маросимни ўтказиш зарурати туғилиб қолса, кўринг томошани. Харажат катта, устига-устак нақд пул йўқ. Энг ёмони, мушкул-имизни осон қилиш учун чиқарилган “электрон ҳамён”дан тўлақонли фойдаланиш жиддий муаммага айлангани кўпчилиكنинг ёдида. Ҳатто пластик карточкадаги пулимизни нақдлаштириш учун 20 — 30 фоизгача “харажат”га кўнишимизга тўғри келди-я. Бу, айниқса, аҳолининг пенсия ҳисобига кун кечирадиган қатламга аллақанча қийинчилик туғдирди.

Давлатимиз раҳбари ўз фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ айти шу муаммони ҳал этишга эътибор қаратгани билан халқимизнинг дуосини олди. Аҳолини қафолатланган нақд пул билан таъминлаш йўлидаги қатъий ҳаракатлар натижасида қисқа вақтда ҳаммаси изга тушди.

Мана, энди қўриб турибмиз, пластик кар-



точка деганлари жоннинг роҳати экан. Айниқса, биз сингари пенсионерларга нихоятда маъқул, ойнинг бошида пенсиямизни тушириб беришади. Аввало, маблагингиз хавфсиз, чунки даста-даста пул кўтариб юришининг асло ҳождати йўқ. Атроф тўла банкомат, истаган пайтда, керакли микдорда нақдлаштира оласиз. Яна бир томони, тўлов картага тушириб берилганда маблагни банкомат орқали нақдлаштириш харажати ҳам ҳисобга олинган.

Қисқаси, пластик карточка одамларнинг замонавий ҳамёнига айланди. Инсон манфаатларини ўйлаб амалга оширилган бу сингари қулайликлардан юртдошларимизнинг барчаси рози эканини кўриб, қувонасан қилиш.

Мамадали АЛИШЕРОВ,
меҳнат фахрийси.
Наманган вилояти

Тенглар ичра тенг бўлиш — шараф!

Мархум профессор Ҳайитбой Мирҳайдаровнинг ҳузурига борганим ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўшанда у киши “Солижон, мени табрикланг!”, дея боладек қувонганча Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортини кўрсатган эди. Биласизми, устозни чин юракдан табриклар эканман, хаёлимдан “Бизга ҳам насиб қилармикин?”, деган ўй ўтган эди. Юрагимдаги бу “дард”га оз эмас, қўй эмас, қарийб 30 йилдан буюн малҳам кутдим. Фуқаролик бахтига етишиш турмуш ўртоғим, ўғлим ва қизимнинг ҳам энг катта орзуси эди.

Нихоят, 2021 йилда ана шу орзуимиз рўёбга чиқди. Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деган бебаҳо саодат муҳрланган фуқаролик паспортини қўлимизга олдик. Очиғи, ўшанда паспортни кўзимизга суртат эканмиз, секин ёшларимизни яширмадик. Тўғриси, ҳали ҳам ўша лаҳзалар шуқуҳи босилгани йўқ. Хар гал қўлимга фуқаролик паспортини олганимда кўнглимда фахр ва ғурур туйғуси жўш уради. Бу бахтни, бу шарафни паспортни олган, неча йиллар қатнаша олмаганим — сайловлардаги ва жамият ҳаётининг бошқа жараёнларида шу мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатидаги иштирокимда янада те-

ран англадим. Халқ ибораси билан айтганда, фуқароликка қабул қилинганимиздан сўнг элга қўшилдик. Бунинг учун ҳар кун шукрона айтишдан чарчамаймиз. Фуқаролигимиз бўлмаган даврда ишга жойлашиш муаммосига дуч келиб, қанчадан-қанча идоралар эшигида сарғайганимизни эс-ласак, юрак зириллаб кетади. Одамлар сизга бошқача назар билан қараса ундан ёмони йўқ дунёда. Бугун эса... Умумтаълим мактабида муаллим бўлиб ишлаяпман. Ўқувчиларга чуқур билим бериш асосий мақсадга айланган. Зеро, биз, ўқитувчиларнинг ҳар бир сифатли сабоғимиз эртага халқимиз ва давлатимиз манфаати



Солижон ТУРДИЕВ,
Гулистон туманидаги
31-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси.

Хотиржамлик — бебаҳо неъмат

Китоб — тафаккур қайроғи. Бунга узоқ йиллар Бойсун туманидаги 41-мактаб кутубхонасида ишлаб, ўзим гувоҳ бўлдим. Китоблар ичиде яшадим, десам, муболага эмас. Ўзимга ёққанини кўнл билан ўқиб чиқдим. Жаҳон ва ўзбек адабиётининг сеҳрли олами мени янги ҳаёт сари бошлади.

Ваҳоланки, кутубхона қайда-ю, инкубаторда жўжа очирш қаёқда! Сирасини айтганда, бу ишга китоб ўқиб, қизиқиб қолдим. Бизнесга тўғри йўлни кўрсатган ҳам шу китоблар бўлди...

Хозир товуқларимиз 100 бошдан ошган. Тухумини пешма-пеш бозорга чиқаряпмиз. Даромад рўзгоримизнинг бир чеккасини кўтараяпти. Лекин биз бу билан кифояла-ниб қолмадик. Томорқамиздаги ерларни чопиб, рўзгорбоп экинлар парваришладик. Бугун пиёзу шивит, помидор бодринг, булғор қалампирни дейсизми, ўзимизнинг кафтдеккина томорқамиздан чиқаяпти. Бозордан кўп нарса сотиб олмаймиз.



Нафиса ВАЛИҚУЛОВА.
Сурхондарё вилояти

Беморлар энди сарсон бўлиб хорижда юрмайди



Бир пайтлар хоразмликлар огир хасталикларни даволаш учун пойтахтга ёки Германия, Хиндистон, Россия Федерацияси каби мамлакатларга катта харажат эвазига борар, юрак-қон томирлари касалликлари билан боғлиқ мураккаб жарроҳлик амалиётини воҳада амалга оширишнинг имконияти йўқ эди.

Узоқ йиллар Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг филиали сифатида фаолият юритиб келган муассасамиз Президентимизнинг ташаббуси билан Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт марказига айлантирилган, вазият тубдан ўзгарди. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари аҳолисига кардиология ва юрак-қон томир жарроҳлиги соҳасида тиббий хизматлар кўрсатишни янада яхшилаш, қўшимча қулайликлар яратиш имкони пайдо бўлди.

Марказимизда интервенцион амалиётлар, жумладан, коронар ва бошқа артерияларни стентлаш йўлга қўйилди, юрак тўғма нуқсонининг баъзи турларини транскатетер даволаш услублари ўзлаштирилди. Юрак клапанларидаги, юракнинг тўғма нуқсонини бўйича жарроҳлик амалиётлари сони уч маротаба ортди ва йилига 500 тага етди. Бу беморларнинг барчаси авваллари Тошкентга ёки чет элга юборилар эди.

Бугунги кунда шифокорларимиз хорижлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда юрак-қон томир жарроҳлигида инновацион усуллари қўлаб, юқори натижаларга эришмоқда. Жумладан, россиялик мутахассислар иштирокида ўтказилган маҳорат дарсларида уйқу артерияси, оёқ қон томирларидаги жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўзлаштирилди.

Умуман, Оролбўйи минтақаси аҳолисига кардиология хизматлари кўрсатиш сифати кескин яхшиланди. Тиббиёт ҳодимлари меҳнатини рағбатлантириш, шифокор кадр-қимматини ошириш борасидаги чора-тадбирлар эса бизни янада ғайрат билан ишлашга ўндаётди. Зеро, бу мамлакатимизда Президентимиз ғояси асосида амалга оширилган “Инсон қадри учун” тамойилининг кенг қулоч ёйишида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Анвар САГИРОВ,
Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази раҳбари,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ҳодими.
Хоразм вилояти

Илм андоқ ганжи нофеъдур...

Ўз даврининг маърифатпарвар шоири Муҳаммадризо Оғаҳий шундай ёзган эди:

**Илм андоқ ганжи нофеъдур бани одамғаким,
Кимда ул бўлса, икки олам бўлур обод анго.**

Дарҳақиқат, таълим-тарбия, маърифат барча эзгуликнинг, яратувчанлик ва бунёдкорликнинг таянчи эканини ҳаётнинг ўзи исботлаган.

Жонажон Ўзбекистонимизда ҳам кейинги йилларда ёшлар таълим-тарбияси, маориф соҳасини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган ишлар янги суръатда давом этмоқда. Бу эса инсонлар тақдирини, жамиятдаги муҳитни ўзгартирмоқда.

Ўзимдан қиёс қилиб айтсам, китобхонлик тақдиримни бутунлай янги ўзанларга буриб юборди. 2022 йилда “Ёш китобхон” танловининг республика босқичида ғолиб бўлдим ва Президент совғаси — “Спарк” автомобили билан тақдирландим. Айни шу йили давлатимиз раҳбари “Келажақ бунёдкори” медалини шахсан топширди. Бу — шу халқнинг бир ижодкор қизи учун улкан бахт!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида “Кулгичим-

да отади тонглар” шеърий тўпламим ўн минг нусхада чоп этилди ва юртимиз ҳамда Марказий Осиё давлатлари кутубхоналарига тарқатилди.

Дарвоқе, Президентимиз яқинда ёшлар билан учрашувда юртимизда ўғил-қизларнинг илм-хунар эгаллаши учун имкониятларни янада кенгайтириш чора-тадбирлари ҳақида алоҳида тўхталди. Демак, Ўзбекистоннинг бахтли ёшларини янада кўп эзгуликлар, янги имконият ва юқори марралар кутиб турибди.

Севинч АВАЗОВА,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти,
«Келажақ бунёдкори» медални соҳиб.
Тошкент вилояти

Сув келтирган — элда азиз

Кексалар дуога қўл очганида “Сувдек азиз ва сероб бўлгин”, дейиши бежиз эмас. Зеро, ташналик очлик ва юпунликдан ҳам ёмон.

Бир қарашда сув кундалик ҳаётимиз учун зарур бўлган оддий ичимлик. Аммо биз учун унинг қадри олтиндан-да қиммат даврлар ҳам бўлди. Кунига икки марта лаб олис масофага сувга қатнардик. Ақсарият оила аъзоларининг асосий муаммоси ҳар кун хонадонидеги идишларга сув тўлдириб олиш бўларди. Баъзан сувга навбат талашиб муштлашган, юз кўрмас бўлиб кетган, тинчлиги ва ҳаловатини йўқотган маҳалладошлар ҳам учрарди.

Бизнинг Ижодкор маҳалламиз туман марказидан 10 километр олисда жойлашган бўлиб, йиллар давомида ичимлик сувини қарийб бир қақирим масофадан — қўшни маҳалладан ташиб ичганимиз. Шукрки, бугун маҳалламиз сув азобидан қутулди. 512 та хонадон тўлиқ ичимлик суви билан таъминланди.

Ота-боболаримиз “Уммон олдида бўлсанг ҳам бир томчи сувини исроф қилма”, деган. Биз узоқ йиллар ушбу неъматга мушток яшаб,



унинг ҳаётимиздаги қадрини яхши англаб етдик.

Маҳалламизга ичимлик суви тармоғи тортилган, давлатимиз, хусусан, Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан четда эмаслигимизни яна бир бор ҳис этдик. Сув келтирган — элда азиз! Доим дуодамиз. Зилол сувнинг хонадонимиздаги жўмракдан оқиб тургани — қувончимиз. Энди биз унинг ҳар томчисини кўз қорачигидек авайлаб-асраб фойдаланаямиз.

Муҳаммаджон ИСОҚОВ,
меҳнат фахрийси.
Фарғона вилояти

Баҳоуддин Нақшбанддан Дониёлбий Оталиққача...

Бухоронинг бой тарихи, ноёб меъморий мажмуалари, сир-синаатга тўла хунармандчилик анъаналари кимларни махлиё қилмаган, дейсиз? Аммо бир ҳақиқат аёнки, ҳатто энг мустаҳкам меъморий обида ҳам вақти келиб, таъмиру меҳрга эҳтиёж сезади.

Шу жиҳатдан, Президентимиз ташаббуси билан улуг бобомиз Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари манган қадимий Арк кўргонининг бир асри назардан четда қолган қисмида археологик парк бунёд этилгани айтиш мумкин бўлди. Бугун Арк томошасига кирган сайёҳ мана шу паркка ҳам



тўхтаб ўтаяпти. Бухоро тарихи қайта юз очиб, зиёратчиларга ўтмишининг суронли манзараларидан ҳикоя қилмоқда. Айни чоғда қадим Бухорода ўзгаришлар беҳисоб: кўп юлдуз-ли меҳмонхоналари меҳмон уйлари дейсизми, қадимий услубдаги чойхонами, ҳар қадамда уч-ратасиз. Шаҳар гўё мўъжизаларга тўлиб-тошган.

Эндиликда нафақат Бухоро шаҳрида, вилоятнинг чекка қишлоқларида ҳам туризмни ривожлантириш чоралари кўриляпти. “Туризм қишлоқлари” пайдо бўлмоқда, соҳилбўйи туризми шохобчалари фаолият бошлаяпти. Шу тариқа қишлоқ ёшлари-

нинг ишли бўлаётгани янада қувончли. Бугун 80 мингдан зиёд йигит-қизлар туризм соҳаси билан банд, минглаб хонадонларга ризку насиба, қувончу хотиржамлик кириб келмоқда. Бунинг ҳосиятини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди.

Энди бир неча рақамни тилга олай. Ўтган йил шаҳримизга чет элдан 2 миллион сайёҳ келган бўлса, жорий йилда бу микдор 2,5 миллиондан ошиши кутилмоқда. Ва яна 5 сентябрдан 20 ноябрга қадар ўтказиладиган 75 кунлик “Бухоро биеннаlesi” тадбирларига 500 мингдан зиёд хорижий сайёҳлар ташрифи кутиляпти. Бу ҳам давлатимиз раҳбарининг мамлакат тинчлиги, эл фаровонлиги йўлида тиним билмаётгани, ёшу қарига ибрат бўлиб янги ташаббуслар билан чиқаётганининг тотли меvasидир. Насиб этса, эртанги кунимиз янада ёруғ бўлади. Бугунги сайёҳаракатлар шундан далолат бериб турибди.

Беҳбуд ЖУМАЕВ,
меҳнат фахрийси.
Бухоро вилояти

Сенат кўмитасида

Ижтимоий суғурта соҳасидаги муносабатлар тартибга солинади

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси мажлисида “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.



Мажлисида кўмита аъзолари, маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари раислари, экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Муҳокама жараёнида қайд этилганидек, сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида амалга оширилаётган ишлар натижасида қатор ижобий ютуқларга эришилди. Мазкур қонун соҳадаги ислохотларнинг манتيқий давоми сифатида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мақсади давлат ижтимоий суғуртаси муносабатларини тартибга солишдан иборат.

Қонунда мазкур суғуртанинг амал қилиши, бу бўйича муносабатларнинг юзгага келиш ҳолатлари, суғурта ходисалари ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар, уни тайинлаш ва амалга ошириш, суғурталанган шахслар, суғурталовчи, суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари каби қатор масалалар ўз аксини топган.

Кизгин муҳокама жараёнида иштирокчилар қонуннинг айрим меъёрлари бўйича унинг ташаббускорларига қатор саволлар берди.

Мажлисида кўрилган масала юзасидан кўмитанинг якуний хулосаси тайёрланиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Муҳокама

Рақобат ва очик бозор муҳитини яратиш – қонуннинг талаби

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитасининг мажлисида бир қатор қонунлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Хусусан, “Давлат мулкни хусусийлаштириш соҳаси тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан давлат мулкни хусусийлаштириш соҳасини тақомиллаштиришга қаратилаётган бир қатор ўзгартиришлар киритилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Мазкур қонун билан амалдаги қонунчиликка давлат қишлоқларини хусусийлаштириш ҳамда ижарага беришни соддалаштириш, тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши соҳага тааллуқли органларнинг ваколатларини белгилаш ҳамда давлат активлари ва ер участкаларини хусусийлаштириш ҳамда ижарага бериш орқали хусусий мулкни кенгайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, “Бозор ислохотлари ва Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёنлари янада жадаллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Унга кўра “Давлат божи тўғрисида”ги ҳамда “Лицензиялаш, рўқсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига қора ва рангли металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (ҳарид этиш), қайта ишлаш, реализация қилиш, табиий газнинг улгуржи ва чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялаш тартиб-таомил жорий этиш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторлар мазкур қонун табиий газ савдоси соҳасига хусусий секторни ва инновацияларни жалб этишга, шунингдек, рақобат ҳамда очик бозор муҳитини яратишга хизмат қилиши хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Муҳокама якунида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш – диққат марказида

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Орзигул Қозиқонова АҚШ Савдо вазирлигининг Тижорат ҳуқуқини ривожлантириш дастури (CLDP) делегацияси билан учрашув ўтказди.

Учрашув

Унда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги савдо-ҳуқуқий соҳалардаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, хусусан, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича қўшма ташаббус ва дастурларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда тадбиркорликни, айниқса, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, яратилаётган қулай шарт-шароитлар ҳақида маълумот берилди. Аёллар тадбиркорлиги йўналишида сон ва сифат жиҳатдан ўсиш кузатилаётгани, уларнинг иқтисодий фаоллиги орқали бораётгани алоҳида таъкидланди.

Делегация аъзолари Ўзбекистондаги демократик ислохотлар, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни юқори баҳолаб, АҚШ Савдо вазирлигининг “CLDP” дастури бу йўналишдаги ҳамкорлиқни кенгайтиришга тайёрлигини билдирди.

Сўхбат чоғида аёлларнинг тадбиркорликдаги иштирокини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида ҳамкорлик истиқболлари ҳақида ҳам фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Янги иқтисодий моделни шакллантиришда муҳим лойиҳалар

Эътироф этиш жоизки, бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудида иқтисодиёт учун ғоят зарур бўлган қорхоналар барпо қилинмоқда. Бу эса республикаимиз миқёсида минглаб янги иш ўринлари яратилиши, саноат тармоқларининг жадал ривожланиши ва минглаб хонадонларнинг фаровонлиги, демакдир. Кейинги йилларда Жиззах вилоятида ҳам айни жараён сабаб қайта ишлаш саноати ҳажми сезиларли даражада ошди.

Акс садо

Давлатимиз раҳбари 22 июль куни Жиззах вилоятига ташриф буюриб, саноат ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа объектлар билан танишди. “Зомин технопарки” махсус саноат зонасини бориб кўрди.

“Зомин технопарки” қурилиши ўтган йили 27 июнда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган эди. Истиқболдаги режага кўра, 400 гектар ерда барпо этилаётган технопаркда хитойлик инвесторлар билан биргаликда 1 млрд. 200 млн. долларлик 31 лойиҳа амалга оширилади. Қурилиш бошланганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, бу ерда илк амалий натижалар кўзга ташлана бошлади. Масалан, “Xinjiang Honglin Tiandi” компанияси томонидан қиймати 10 млн. долларга тенг бетон махсулотлари ишлаб чиқариш қорхонаси ишга туширилди. Унда 60 нафар фўқаро доимий иш билан таъминланди.

Шунингдек, айни пайтда 42 млн. долларлик иккинчи лойиҳа — “Midea” бренди остида маиший электр техникаси ишлаб чиқариш қуввати якуновчи босқичга етган. Бу эса йилга 300 минг дона маиший техника ишлаб чиқариш имконияти ва 150 та янги иш ўрни яратилиши, демакдир.

Биринчи босқич доирасида махсус саноат зонасига 9 та лойиҳа жойлаштирилган. Бундан ташқари, ҳозирги кунда қиймати қарийб 300 млн. долларга тенг бўлган яна 7 та лойиҳа бўйича қурилиш ишлари давом этмоқда. Ушбу лойиҳалар доирасида қурилиш материаллари, металл конструкциялар, электр техникаси, кимё саноати махсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шу билан бирга, логистика хизмати ва мутахассислар тайёрлашга ихтисослаштирилган тренинг маркази ҳам ташкил қилинади.

Умумий натижалар таҳлилига кўра, саноат зонаси тўлиқ ишга тузғача йилга 5 трлн. сўмлик саноат махсулотлари ишлаб чиқарилиб, 15 турдаги янги махсулот ўзлаштирилади, 70 млн. долларлик экспорт салоҳияти яратилади ва 5 мингдан зиёд фўқаролар доимий иш ўрнига эга бўлади. Бу кўрсаткичлар Жиззахнинг инвестициявий ва саноат салоҳиятини мутлақо янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Ташриф давомида лойиҳаларни амалга оширишдаги асосий вазифалардан бири сифатида ёшлар бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш соҳалари учун зарур мутахассислар тайёрлаш масалаларини алоҳида таъкидланди. Бу вазифаларни самарали ҳал қилиш учун давлат раҳбари таълим муассасалари, саноат қорхоналари ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш лозимлигини кўрсатди.

Умуман, “Зомин технопарки” шунчаки янги саноат ҳудуди эмас, балки Жиззах вилоятида саноатлашган иқтисодиёт пойдеворини яратадиган, экспортбop махсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ва аҳолини ишли қилишда ҳал этувчи аҳамиятга эга лойиҳадир. Ташриф давомида берилган топшириқ ҳамда кўрсатмалар мазкур жараёни янада жадаллаштириш, лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали амалга оширишга қаратилгани билан эътиборга молик.

Бу каби истиқболли лойиҳалар Ўзбекистоннинг янги иқтисодий моделини шакллантириш, ҳудудий тенгликни таъминлаш ва халқ фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутди.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси.

Билим ва малака – муваффақият омили

Олий Мажлис Сенати томонидан маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш, депутатларнинг билим ва малакасини ошириш ҳамда аҳоли билан ишлаш сифатини яхшилашга қаратилган ўқув семинарларини мунтазам ўтказиш анъана тусини олмоқда.

Маҳаллий Кенгашларда

Бундай тадбирларда ҳудудлардаги долзарб муаммолар муҳокама марказида бўлиб, уларни ҳал этиш йўллари белгилаш, жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш механизмларини тақомиллаштириш ҳамда аҳоли мурожаатларини ўрганиш, самарали мулоқот усуллари ўргатилмоқда.

Кўни кеча халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Кенгашида “Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини намунали ташкил этишнинг устувор йўналишлари: муаммо ва

Олмалиқ шаҳар Кенгаши

фаолиятида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилгани, депутатларнинг фўқаролар билан очик мулоқотлар ўтказаятгани, қарорлар қабул қилишда қонунчилик талаблари тўлиқ ҳисобга олинаётгани, моддий-техника базаси мустаҳкамлангани таъкидланди.

Семинар якунида маҳаллий Кенгашлар фаолиятини ташкил этишда илгор тажрибаларни оммалаштириш, депутатлар салоҳиятини ошириш, маҳаллий даражадаги долзарб муаммоларни ҳал қилишда уларнинг ролини кучайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.

«Халқ сўзи».

Халқчил ёндашув

Таълим йўналишида имкониятлар янада кенгаймоқда

“Мактабдан ташқари таълим” атамаси “қўшимча таълим”га алмаштирилаётгани соҳа мутахассислари, айниқса, тадбиркорларнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Эътиборли жиҳати, бундай ҳуқуқий асослар мамлакатимиз аҳолиси барча қатламнинг таълим олиши учун қулай шарт-шароит яратади.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча таълим тушунчасини “болалар учун таълим” ва “катта ёшдагилар учун қўшимча таълим” турлари-га ажратилиш назарда тутувчи ўзгартириш киритиш таклиф этилмоқда.

Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари кўмитаси томонидан ўтказилган ҳамда таълим хизматларини кўрсатиш соҳасини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига бағишланган учрашувда маълум қилинди.

Унда депутатлар соҳага масъул вазирликларнинг мутасаддилари, Парламент тадқиқотлари институти ходимлари, кўмита ҳузурда ташкил этилган жамоатчилик кенгаши ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари, жойларда фаолият олиб бораётган ўқув марказлари муассислари, олимлар билан мулоқотда бўлди.

Сўнгги йилларда таълим тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини тақомиллаштириш, ёшларнинг таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида бугун республикаимизда 2 392 та нодавлат мактабдан ташқари таълим ташкилоти фаолият олиб бормоқда.

Хусусан, болалар ва ўсмирлар ижодиёти саройлари, клублари, марказлари, “Баркамол авлод”, спорт ва болалар мусика

Сайёра ИМОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Ҳозирги вақтда ахборот кутубхоналарида ёки соғломлаштириш масканларида болалар билан бирга катталарнинг ҳам ўз интелектуал салоҳиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш мақсадида қўшимча таълим олаётганининг гувоҳи бўлялмиз.

Кўмитамиз томонидан кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаси билан соҳага оид



ҳамда санъат мактаблари, студиялар, ахборот-кутубхона ҳамда соғломлаштириш муассасалари болаларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун мактабдан ташқари таълим фаолияти билан шугулланмоқда.

Шу билан бирга, ақсарият ўқув марказлари, ахборот-кутубхона ва соғломлаштириш муассасаларида катта ёшдагиларга ҳам таълим бериб келинаётир. Бу, ўз навбатида, катта ёшдаги фўқароларнинг бу каби масканлардан фойдаланишлари учун аниқ ҳуқуқий асосларни яратиш ва уларни мустаҳкамлашни талаб этмоқда.

Мулоқотда иштирокчилар айни вақтда кўмита томонидан қўйи палатанинг навбатдаги ялпи мажлисига иккинчи ўқишда киритишга тайёрланаётган қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти юзасидан тушунчаларга эга бўлди.

Қонун лойиҳаси билан соҳага оид бир қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Яъни унда болалар ва катта ёшдагиларнинг ижодий қобилиятларини шакллантириш, касбий кўникмаларини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва бўш вақтларини самарали ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштириш назарда тутиляпти.

Депутатлар, соҳа мутахассислари, хусусий сектор вакиллари қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ундаги айрим моддаларни тақомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларини берди.

“мактабдан ташқари таълим” деб номланарди. Ва катта ёшдаги аҳолининг таълим олиши учун ҳуқуқий асослар мавжуд эмасди. Қонун лойиҳаси билан мана шу ҳуқуқий асослар мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Мазкур жараёнда соҳа мутахассисларининг, жамоатчилик вакилларининг фикр-мулоҳазаларини олиш халқ вакиллари учун муҳим аҳамиятга эга.

«Халқ сўзи».

Асосий урғу электротар манфаатларига қаратилди

“Кадриятларга таянган тараққиёт!” шiorини қўллаб-қувватловчи ватанпарвар ва бунёдкор халқимиз вакилларини ўз электротари, деб хисоблайдиган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси жорий йилнинг ўтган биринчи ярим йиллидаги фаолиятида асосий эътиборни электротар манфаатларига қаратиб, бу борада муҳим ташаббусларни рўёбга чиқарди. Хусусан, мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқитувчи ҳамда тарбиячиларнинг малакасини ошириш масалалари ва туризм соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тақомиллаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар муфассал кўрилди.

Сарҳисоб

Президентимизнинг 2024 йил 18 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги нутқида вазирликлар билан ишлашда ақиндан ҳамкорлик қилиш муҳимлиги, унда партиявий ва фракциявий интизомни мустаҳкамлаш масаласи асосий эътиборда бўлиши кераклиги алоҳида таъкидланган эди.

Шу йил 5 май куни “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциялари ўртасида “Тараққиёт блоки”ни ташкил этиш бўйича битим имзолангани амалий саъй-ҳаракатлардан бири бўлди.

Бинобарин, ушбу блок барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳолининг фаровонлигини таъминлаш, миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилиш ҳамда қўл асрик миллий-тарихий тажрибага таянган ҳолда фаолият юритишни ўзининг асосий устувор вазифаси, деб билади.

Хисобот даврида фракция томонидан қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда бошқа муҳим тадбирларни самарали ташкил этиш мақсадида 2025 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар ре-

ламент назорати муҳим ўринни эгаллайди. Ўтган вақт давомида фракция аъзолари томонидан сайловларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларга жиддий эътибор қаратилиб, жойлардаги назорат-таҳлил тадбирлари, сайлов округларидagi ўрганишлар давомида аниқланган долзарб масалалар юзасидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига жами 15 та депутат сўрови юборилди.

Маълумки, фракция йиғилишларида қонун лойиҳалари маромига етказилиб, муҳокама қилинади ва ҳар бир лойиҳада фракция нуктаи назари ақс эттирилишига эътибор қаратилади. Ўтган даврда фракциянинг 29 та йиғилиши ўтказилиб, унда 210 га яқин муҳим масалалар муҳокама қилинди, қонун ижодкорлиги фаолияти ва парламент назоратига оид аниқ таклиф ҳамда ташаббуслар илгари сурилди.

Бугун халқ билан мулоқот давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Негаки, айнан фўқаролар билан учрашиш, уларнинг мурожаатларини тинглаш мавжуд муаммоларнинг ўз вақтида ечим топишига имкон беради.

Шу боис жойларда аҳоли билан олма-ўзма мулоқот қилиш, фўқароларни ўйлантириб келаётган тизимли муаммоларни аниқлаб, ҳал этиш чораларини кўриш, мурожаатлар билан ишлаш ҳамда қонун лойиҳаларини тақомиллаштиришда фўқароларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва инобатга олишга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳудудларда ўтказилган назорат-таҳлил тадбирларида жамият ҳаёти учун муҳим бўлган қонун лойиҳаларининг ихро этилиш ҳолати, мавжуд тизимли

муаммолар, шунингдек, ижтимоий иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлиги атрофида ўрганиб борилади. Мазкур ўрганишлар давомида 890 га яқин учрашувлар ўтказилиб, уларга 20 мингдан ортиқ аҳоли қамраб олинди, 500 га яқин хонадонларга ташриф буюрилди ҳамда 150 га яқин тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро мулоқот ўтказилди.

Ўтган вақт давомида фракция аъзолари номига юридик ва жисмоний шахслардан жами 67 та, жумладан, 24 та ёзма, 43 та электрон шаклдаги мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 23 таси кўриб чиқиш учун тегишлилиги бўйича мутасадди ташкилот ва идораларга юборилди, 6 таси ижобий ҳал этилди ҳамда 3 та мурожаатга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашининг коррупциянинг олдини олишга қаратилган ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган мажлиси, шунингдек, ислохотлар самарадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, жойларда жамоатчилик ва депутатлик назорати олиб борилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фракция ва партия ҳамкорлигининг самалоғи йилдан-йилга ортмоқда. Ўтган вақт давомида фракциянинг партия билан ўзаро алоқалари мутлақо янгица кўринишда йўлга қўйилиб, улар томонидан жойлардаги муаммо ва камчиликларни ҳал этишда натижадорликка эришиш,

хусусан, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва умумий ўрта таълим тизимида фаолият олиб бораётган тарбиячи педагогларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва аёллар муаммоларига самарали ечим топишга қаратилган “Депутат билан юзма-юз”, “Хизмат беминнат”, “Уйима-уй лойиҳаси”, “Депутат аёллар клуби” ҳамда “Сиёсий жараёндаги таҳлил клуби”, “Сўбатчи аёллар” клуби, “Тоза ликопча” лойиҳалари мунтазам равишда амалга оширилди.

Фракция ва партия ҳамкорлигида жами 21 тадбир ташкил этилди. Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар ҳамда жойларда депутатлар томонидан ташкил этилган сайёр қабулларда жами 1070 та мурожаат эшитилган бўлиб, шундан 400 дан ортиғи ижобий ҳал этилди. 167 та мурожаат кўриб чиқиш учун тегишлилиги бўйича мутасадди ташкилот ва идораларга юборилди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий ва маданий жараёнларда фаол қатнашиб, қатор муҳим ташаббусларни илгари суринишда давом этади. Фракция кейинги фаолиятида ҳам миллий кадриятлар, маънавий меросни асраш, ёш авлод тарбияси ва маданият соҳасини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик таклифлари ҳамда назорат-таҳлил ишлари-га, шунингдек, электротар манфаатига хизмат қилувчи қонунчиликни тақомиллаштириш ва жойларда парламент назоратини янада кучайтиришга қаратилган амалий лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратади.

Алишер ҚОДИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi «Миллий тикланиш» ДП фракцияси раҳбари.

Янги Ўзбекистоннинг қиёфаси

БУ ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ОЧИҚЛИК ВА ИНСОН ҚАДРИГА АСОСЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТДИР

Шунингдек, Булунгур туманида консерва заводини ташкил қилдик ва экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бу ҳудудларда инвесторлар учун алоҳида ва қулай шaroитлар яратилган.

Тадбиркор сифатида хорижда бўлганимда, инвесторлар билан учрашувларда “Янги Ўзбекистон” номини тез-тез эшитаётман. Ўзбекистон ҳақидаги ушбу илик муносабатлар мамлакатингизда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида сўнгги йилларда амалга оширилган тув ислохотларнинг натижасидир. Ҳар йили Тошкентда ташкил этилаётган Халқаро инвестиция форуми ва шунга ўхшаш тадбирлар инвестиция муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Айниқса, Самарқанддаги ўзгаришлар таҳсинга сазовор. Халқаро ҳамкорлик ва бизнес тадбирлари учун ушбу шаҳарда зарур инфратузилмалар яратилди. Шунингдек, Бухородаги ўзгаришларни мамнуният билан кузатиб бораёмиз.

Ўзбекистондаги ислохотлар ва тараққиёт жараёни юқори натижалар олиб келишига чин қалбимдан ишонаман.

Чой Чжин ЁНГ,
Жанубий Кореянинг «Herald Media Group» компанияси президенти:



— Ўзбекистон иқтисодий барқарорлик, очиклик ва кенг қўламли ислохотлар билан ажралиб турувчи чуқур трансформациянинг янги даврига қадам қўйди. Жаҳон ҳамжамиятининг эътибори тобора Ўзбекистон сари қаратилмоқда.

Илгари Ўзбекистонга инвестиция қилишда турли чеклов ва тўсиқларга дуч келиниши мумкин эди, бироқ бугунги кунда божхона, солиқ ва банк тизимида юз берган тув ислохотлар натижасида вазият мутлақо ўзгарди. Фақатгина молия ва иқтисодиёт эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам яққол ижобий ўзгаришлар кузатилимоқда.

Инвесторлар учун қулай ҳуқуқий асосларни яратиш, тартибга солувчи жараёнларни соддалаштириш ва замонавий инфратузилмани ри-

вожлантириш тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг кескин ошишига олиб келмоқда. Ёшлар ва аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани хусусий секторни ривожлантиришда комплекс ёндашувнинг мавжудлигини кўрсатади.

Ана шундай чоралар туфайли бугунги кунда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг энг жадал ривожланаётган иқтисодиётларидан бирига айланган. Халқаро ташкилотлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва етакчи рейтинг агентликлари мамлакатнинг ютуқларини тобора кўпроқ эътироф этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ислохотларга оид дастури фақатгина макроиқтисодий соҳалар билан чекланиб қолмай, балки инклюзив ривожланиш ва инсон манфаатларини илгари суриш масалаларига ҳам жиҳдий эътибор қаратмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси инсон қадрини ва ижтимоий адолатини биринчи ўринга қўйди.

Таълим, соғлиқни сақлаш ва уй-жой қурилиш соҳаларига давлат харажатларининг сезиларли даражада оширилиши давлат хизматларининг қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Ёшларни жамият ҳаётига жалб этиш бўйича ташаббуслар ҳам таълим, иш билан таъминлаш ва волонтерлик орқали ривожланмоқда. Бу чоралар фаол, билимли ва келажакка интилаётган авлодни шакллантирмоқда.

Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда босиб ўтаётган ислохотлар йўли нафақат минтақавий, балки халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак баҳоланмоқда. Янги Ўзбекистоннинг қиёфаси — бу тинчлик, барқарорлик, очиклик ва инсон қадрига асосланган тараққиётдир.

Януш ПЕХОЧИНСКИЙ,
«Польша — Осиё» савдо-саноат палатаси президенти, Польшанинг собиқ иқтисодиёт вазири ва Бош вазир ўринбосари:



— Польша халқи Ўзбекистон ҳақида ва мамлакатда амалга оширилаётган инвестициялар тўғрисида жуда яхши билади. Чунки Ўзбекистон бугун нафақат Марказий Осиё минтақасининг етакчи давлати, балки бутун минтақа учун сиёсий ва дипломатик жиҳатдан муҳим ўрин эгаллаган мамлакатдир. Иқтисодий ўсиш соҳа-

сидаги муваффақиятлари ҳам эътиборга лойиқ. Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръати жаҳон бўйича ўртача кўрсаткичдан уч баробар юқори. Бу эса халқаро вазият мурракшлаган, савдо ва иқтисодий алоқаларда қийинчиликлар бўлган бир пайтда юз бермоқда.

Ўзбекистон бугун Хитой, Россия ҳамда Осиё ва Европа ўртасидаги муҳим логистика марказига айланмоқда. Бу фақат сармоялар эмас, балки муҳим инфратузилмавий лойиҳалар ҳамдир. Жумладан, Шимолий Покистон орқали Афғонистондан Марказий Осиёга, кейин эса Европага олиб борадиган транзит йўналишлар борасидаги ташаббусларни мисол тариқасида айтиш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев жуда фаол, ташаббускор ва замонавий сиёсий етакчи. У нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун муҳим шахсдир. Давлатингиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатда иқтисодий ўсиш барқарорлашмоқда, инфляция даражаси пасаймоқда, ишбилармонлик муҳити яхшиланимоқда. Бу, ўз навбатида, хорижий инвесторларнинг қизиқишига сабаб бўляпти. 2025 йилнинг биринчи ярмида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 18 млрд. доллардан ошгани ҳам шундан далолат беради.

Ўзбекистон атом энергетикаси соҳасига киришга интиляпти. Бу мамлакат раҳбариятининг узокки қўзғалган, хавфсиз ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, янги бозорларга чиқиш ва халқаро капитал жалб қилиш имкониятларини очади.

Мана шу ўсишнинг асосий омилли — бу Ўзбекистон раҳбариятининг доимий ислохотлари, бизнесга яратилган имкониятлар ва ўзбек халқи хос менталитетдир.

Польша ва Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон билан алоқаларимизда катта салоҳият бор. Польша Европа Иттифоқидаги қишқир Ўзбекистон учун қулай хаб бўла олади. Ўзбекистоннинг экспорти, юк ташини салоҳияти, Буюк Ипак йўли доирасидаги алоқалари шунини кўрсатади. Бу йўл фақат Хитой маҳсулотлари учун эмас, балки Марказий Осиё, биринчи навбатда, Ўзбекистон маҳсулотлари учун ҳам очкидир.

Биз ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш ва Ўзбекистон фуқароларининг Польша саноатиди ишлаш имкониятларини кенгайтириш устида ишлаяпмиз. Бунда “Польша — Осиё” савдо-саноат палатасининг “Ўзбекистон” бўлими жуда фаол иш олиб бормоқда. Умид қиламизки, 2025 йил охиригача Польша ва Ўзбекистон ўртасида олий даражадаги учрашув бўлиб ўтади.

Фан ВЭЙ,
«Shanghai SUS Environment Co. Ltd» компанияси ротацон бош директори:



— Бизнинг “Shanghai SUS Environment Co. Ltd” компаниямиз ўз фаолиятини 2008 йилда бошлаган. У, асосан, чиқиндиларни қайта ишлаш, улардан энергия олиш, ишлаб чиқариш жараёнида ажралиб чиқувчи зарарли чиқиндиларни камайтирувчи усуналар ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

2024 йилда компания Ўзбекистон Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳамда бошқа бир қатор вазирликлар билан мамлакатингизда инвестициявий лойиҳани амалга ошириш мақсадида музокаралар ўтказди.

Шунингдек, 2024 йилда компаниямиз раҳбари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга Ўзбекистонда режалаштирилган лойиҳалар ҳақида тақдимот қилди.

“Shanghai SUS Environment Co. Ltd” жорий йилда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларига тўғридан-тўғри 310 млн. доллар инвестиция қилиб, иккита завод қуриш ишларини режалаштирмоқда. Уларда кунига 3 минг тонна чиқинди қайта ишланиб, йилига 480 млн. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Мақсадимиз — Самарқанд лойиҳасини Марказий Осиё учун илгор, экологик тоза ва самарали, Хитой — Ўзбекистон ҳамкорлиги ютуқлари намунаси сифатида тақдим этиш.

Аҳмад Абду ТАРАБЕК,
мисрлик таниқли ёзувчи ва эксперт:



сабатларни такомиллаштириш йўлида катта қадам ташлади. Мамлакатнинг янги ташқи сиёсатида Марка-

зий Осиё мамлакатлари билан яқин қўшничилик муносабатларини шакллантириш асосий йўналиш сифатида белгиланди. Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё халқлари ўртасидаги ҳамкорликка тўққинчи қилаётган барча муаммони бартараф эта олди. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувлари ўтказилиб, бу минтақага сармоя маркази сифатида дунёнинг қизиқишини оширди.

Жаҳоннинг етакчи давлатлари Марказий Осиё минтақаси билан фаол ҳамкорлик қилишга интила бошлади. “Марказий Осиё+” форматлари Европа Иттифоқи, АҚШ, Япония, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Жанубий Корея ва бошқа тузилмалар ва давлатлар билан шаклланди.

Қўп томонлама ҳамкорлик натижасида минтақада катта ҳажмда инвестициялар кириб келди. Ўзбекистон бу жараёнда етакчилик қилмоқда. Бу иқтисодий юксалиш ижтимоий соҳаларда ҳам асос этди. Ривожланиш икки йўналишда, яъни вертикал — замонавий технологиялар ва доимий модернизация асосида ҳамда горизонтал — бутун мамлакат ҳудудларини қамраб олувчи шаклда давом этмоқда. Бу Ўзбекистон тараққиёт йўлининг муҳим жиҳатидир.

Ўзбекистон Президенти минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, айниқса, Афғонистон муаммосига алоҳида эътибор қаратмоқда. У бу мамлакатда тинчлик йўналиши учун ҳамма нарсани қилди. “Афғонистонда тинчлик — Ўзбекистонда тинчлик” тамойили асосида Афғонистонда барқарорликни таъминлашга қаратилган анжуман ва саммитлар ташкил этилди. Қўллаб халқаро ташаббуслар, жумладан, Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш илгари сурилди.

Яна бир йирик ташаббус — Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳам муносабатларни ривожлантиришга қаратилган. Хиवाद ЮНЕСКО кўмагида минтақанинг цивилизациялар чорраҳаси сифатидаги аҳамиятини таъкидлаган халқаро форум бўлиб ўтди.

Мен бу ютуқларни яқинда чоп этиладиган “Шавкат Мирзиёев — Янги Ўзбекистон бунёдкори” номи китобимда батафсил баён қилганман. Ушбу тажрибани араб халқларига етказиш ниятидаман. Умидим шуки, бу китоб бошқа тилларга ҳам таржима қилинади.

Мисрда ҳозиргача “Ўзбекия” номи билан аталувчи маҳалла мавжуд бўлиб, у чуқур тарихий алоқаларимизнинг гувоҳидир.

«Дунё» АА.

Ўзбекистон «Sustainable Development Report» рейтингда 19 поғона юқорилади

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва давлат сиёсатининг устувор йўналишлари мамлакатнинг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилашга йўл очмоқда. Жумладан, 2025 йилда эълон қилинган «Sustainable Development Report — 2025» ҳисоботида кўра, Ўзбекистон 193 давлат орасида 62-ўринни эгаллади ва Барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичи бўйича жаҳон миқёсида эътироф этилди.

Таққослаш учун айтсак, Ўзбекистон 2024 йилдаги ҳисобатан 19 поғона юқорига кўтарилиб, Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги энг тез тараққий топаётган давлатлардан бири сифатида қўйилди. Бу натижа нафақат рақамлар орқали, балки аҳолининг кундалик ҳаёти, турмуш тарзи ва ижтимоий барқарорликда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Айтиш жоизки, БМТ томонидан 2015 йилда қабул қилинган 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш мақсадлари дунё мамлакатлари учун иқтисодий, ижтимоий ва экологик ривожланишнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган “Йўл харитаси” сифатида хизмат қилмоқда. Бу мақсадлар 17 та асосий йўналиш ва 169 та вазифани ўз ичига олиб, қашшоқликка барҳам бериш, таълим сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш, гендер тенглиги, экологик барқарорлик ва самарали бошқарув каби долзарб масалаларни қамраб олади.

Албатта, бу борада мамлакатимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда қабул қилинаётган қонунлар барча соҳани жадал ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда бир нечта муҳим йўналишларда ижобий ўзгаришларга эришилди. Бунини таълим соҳасида мактаблар, олийгоҳлар ва касб-хунар таълими тизими ислох этилиб, янги технологиялар, халқаро дастурлар жорий қилинганлиги, соғлиқни сақлаш соҳасида замонавий клиникалар, махсус тиббий марказлар очилиб, болалар ва оналар ўлими камайиши каби ижобий ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Сифатли таълим йўналишида “Мактабларни ривожлантириш” дастури қабул қилинди, хорижий тилларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президент ва иқтисослаштирилган мактабларнинг билимларни баҳолаш тизими қўшимча 1000 та умумий ўрта таълим муассасасида қўлланилган ва

айни вақтда бу бошқа мактабларда изчил давом эттириляпти. Олий таълим қамрови 2017 йилдаги 9 фоиздан 2025 йилга келиб 42 фоизга етди. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 50 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Экологик барқарорлик йўналишида “Ашил иқтисодиёт” дастури қабул қилиниб, 2030 йилга бориб қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг МВт ҳамда жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш режалаштирилди. Орол денгизи атрофида 1,5 млн. гектар майдонда саксовул экилди, бу экологик вазиятни яхшилашга ёрдам берди. Келгусида мазкур минтақадаги ўрмонзорлар улуши 2,3 млн. гектарга етказилади.

Қолаверса, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилган тадбирлар натижасида мамлакатда камбағаллик даражаси сезиларли даражада пасайди, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида муҳим ютуқларга эришилди. Ўзбекистонда бугунги кунда экологик барқарорлик, гендер тенглиги, камбағалликни қисқартириш каби соҳаларда янада кенгроқ ислохотларни амалга ошириш ташаббуслари илгари сурилмоқда.

Шундай экан, “Sustainable Development Report — 2025” индексидида юксалиш фақат халқаро тан олиниш эмас, бу натижалар аҳолининг ҳаётидаги ўзгаришлари билан ҳам боглиқдир, десак, айна ҳақиқат.

2025 йилда эришиладиган натижа эса Ўзбекистонда тўғри йўл танланганини, миллий ислохотлар самараси бераётганини ва халқаро ҳамкорликнинг аҳамиятини янада яққол намоён этиб, келажақ тараққиётимиз учун мустаҳкам пойдевор яратиши мукаррар.

Гулнорахон АБДУВОҲИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЖИЗЗАХ ЗАМОНАВИЙ, ОБОД ВА ГЎЗАЛ МАСКАНГА АЙЛАНМОҚДА



Жумладан, Форишда базальт тошини қайта ишлаб, базальт толаси ва арматураси тайёрлаш мумкинлиги исботланди. Улкан тарихий воқелик — Галлаорол туманида металлургияга иқтисослаштирилган саноат зонаси ҳамда Фориш туманида 500 мегаватт қувватга эга қуёш электрстанцияси қурилиши бўйича лойиҳаларга старт берилди.

Сўнгги саккиз йилда вилоятга 5 млрд. доллар инвестиция жалб қилиниб, 2500 та янги корхона ишга тушди. Уларда 45 мингта доимий иш ўрни яратилди. Тадбиркорлар сони эса икки карра қўнайган. Эътиборлиси, 2030 йилгача вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробар оширилади. Саноат маҳсулотлари экспорти 6 карра ортиб, 1 млрд. долларга етказилади. Утган йил 31 декабрда Жиззах вилоятини иқтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича Президент қарори қабул қилиниб, зарур масалалар ҳал этиб берилган эди. Хусусан, унда 2025 йилда 2 млрд. доллар инвестиция жалб этиш, экспортни 285 млн. долларга етказиш, 168 минг одамни ишли қилиш чоратадбирлари белгиланганди. Бу вазифалар бирин-кетин бажарилимоқда. Утган олти ойда Жиззахда саноат, сервис ва қишлоқ ҳўжалигида 200 та лойиҳа ишга тушди. Вилоятда ҳозирча 662 млн. доллар инвестиция кириб келди. Сўнгги вақтларда вилоятда 250 млн. долларлик йирик туризм мажмуалари ишга тушгани натижасида бир йилда сайёҳлар оқими 2 карра ошди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига мувофиқ Жиззах вилоятда ҳам мутасаддилар, соҳа мутахассислари ва етакчи тадбиркорлардан иборат “Ислохотлар штаби” тузилди. Мазкур штаб томонидан умумий қиймати 520 млн. долларлик 200 та лойиҳа шакллантирилган. Натижада 12 мингта иш ўрни, бюджетга қўшимча 120 млрд. сўм тушум, 100 млн. долларлик экспорт имконияти яратилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг қишлоқларни обод, аҳолини рози қилиш сиёсати йиллар мобайнида қийналиб, баррак уйларда яшаб келган одамлар ҳаётига ҳам янгича мазмун олиб кирди. Утган асрнинг 60-йилларида қурилган барак уйларда 2 мингта яқин аҳоли яшарди. Алмисоқдан қолган бу уйлар-

нинг барчаси бузиб ташланиб, аҳоли учун 317 та намунали уй ва қўп қаватли тураржойлар қурилди. Вилоят миқёсида айтидиган бўлсак, 25 йилда бор-йўғи 882 та хонадондан иборат уй-жой қурилган бўлса, кейинги 8 йилда бундай уйлар сони 1 217 га етди.

Жиззах вилоятида амалга оширилаётган йирик лойиҳалардан бири — “Янги Жиззах” тураржой массиви. Бу ҳудуд замонавий инфратузилмаси билан нафақат қулай яшаш шароитларини яратмоқда, балки минтақанинг жадал ривожланишига ҳам хизмат қилмоқда. Мазкур массивда қўп қаватли тураржой бинолари, замонавий мактаб ва болалар богчалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, поликлиникалар, “INNO” технопарки, спорт мажмуалари ва дам олиш масканлари тикланмоқда. Бундан ташқари массив атрофида кенг қўламли яшил майдонлар яратилиб, пиёдалар учун хавфсиз йўлақлар барпо этилмоқда.

Жиззах вилоятидаги ўзгаришларда, янгилаштирилган ҳар бир туманинг ўз ўрни бор. Буюк Ипак йўли дурдонаси — жаннатмакон мамлакатимизнинг гавҳари, сервискор тоғлар, ям-яшил ўрмонлар, халқпарвар ва олийжаноб инсонлар юрти бўлиши бетакрор Зоминни олайлик. Утган йили Зомин катта санъат байрами — иккинчи Халқаро мақом санъати анжуманига мезбонлик қилди. Хусусан, Зомин туманида инвестиция дастурлари доирасида сўнгги беш йилда 1,8 трлн. сўмлик 300 га яқин лойиҳалар амалга оширилган ва уч мингдан ортиқ иш ўринлари очилган. Қулай бизнес муҳити туфайли тумандаги қирик тадбиркорлик субъектлари сони 4 баробар қўлайди. Зоминнинг гўзал табиятига асосланиб туризм соҳаси унинг драйверига айлантирилмоқда. Бундай хизматларни қўпайтириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан

Зомин туристик зонаси ташкил этилди. Мазкур зона бугун, нафақат Жиззах, балки мамлакатимизнинг энг гавжум, сайёҳлар қадами аримайдиган манзилларидан бирига айланмоқда. Тоғли Зомин туманининг табиат ато этган табиий имконияти — кислородга бой арзаси тоғлари ҳавоси ифлосланган ва йирик саноат шаҳарлари аҳолисини доимо ўзига жалб қилиб келган. Бугун Зоминга келган сайёҳ нафақат тоза ва мусофқо ҳаводан баҳраманд бўлади, балки дам олиш баҳосида саломатлигини тиклаб олиши учун кенг имкониятлар яратилганига гувоҳ бўлади. Булар билан чекланиб қолмасдан, Зоминда саноатни ривожлантиришга киришилди. Чунки ҳудуд бунинг учун жуда қулай. Бу ердан темир йўл утган, Зомин аэропорти кенгайтирилиб, реконструкция қилинди. Энди туманда Хитойнинг “Мингюан” компанияси билан ҳамкорликда “Технопарк” махсус саноат зонаси барпо этилмоқда. Мазкур зонада ташқи бозорларда талаб юқори бўлган қўшилган қийматли маҳсулотлар чиқарувчи корхоналар ташкил этиляпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 22 июль кунин Жиззах вилоятига ташриф буюриб, “Зомин” технопарки махсус саноат зонасини бориб кўрди. Бу мажмуа қурилишини утган йили 27 июнда давлатимиз раҳбари бошлаб берган эди. 400 гектарда барпо этилаётган технопаркда хитойлик инвесторлар билан биргаликда 1 млрд. 200 млн. долларлик 31 та лойиҳа амалга оширилади. Утган даврда зарур инфратузилма ва иншоотлар тикланди. Яқинда илк корхона — “Xinjiang Honglin Tiandi” компанияси томонидан қиймати 10 млн. долларлик бетон маҳсулотлари тайёрлаш лойиҳаси ишга туширилди. 60 кишининг бандлиги таъминланди. Айни кунларда 42 млн. долларлик иккинчи лойиҳа бўйича ишлар якуний босқичда. Унда “Midea” бренди остида йилига 300 минг дона маиший электр техникаси ишлаб

чиқарилади, 150 та иш ўрни очилади. Биринчи босқичда махсус саноат зонасига 9 та лойиҳа жойлаштирилган. Бугунги кунда қарийб 300 млн. долларлик яна 7 та лойиҳа бўйича қурилиш ишлари давом этмоқда. Уларда қурилиш материаллари, конструкциялар, электр техникаси ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, логистика ва тренинг маркази ташкил қилинади.

Асосийси, Жиззах вилоятида хорижий инвестициялар микдори йил сайин ўсиб бормоқда. 2018 йилда вилоятда, бор-йўғи, 18 млн. доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилган бўлса, утган йили бу рақам 1 млрд. доллардан ошган. Охириги саккиз йилда вилоятга 3,7 млрд. доллар инвестиция қилинди. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар сони 260 тадан ошган. Президентимиз ташриф буюрган Зомин туманида қурилаётган маиший техника заводи бунинг яна бир ёрқин мисолидир. Мазкур йўналиш бўйича юртимизда катта салоҳият бор. Давлатимиз раҳбари бу суратни давом эттириб, миллий брендлар остида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, Ўзбекистонни минтақавий “электротехника хаби”га айлантириш вазифасини қўйди. “Навоий” махсус саноат паркиннинг филиали сифатида ташкил этилган мажмуа 80 гектарда жойлашган. Лойиҳанинг умумий қиймати 150 млн. доллар. Бу ерда кир ювиш машинаси, советикч, телевизор, электр сув иситкич каби йилига 1 млн. дона маиший техника ҳамда бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади. 100 турдаги маҳсулотлар натижасида маҳаллийлаштириш даражаси 70 фоизга етади. Муҳими, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 320 млн. доллар бўлади. Шундан 140 млн. долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилади. 7 мингдан зиёд аҳоли иш билан таъминланади. Саноат паркида тайёрланган маҳсулотлар Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон сингари 15 дан ортиқ мамлакатларга экспорт қилинади.

Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан Жиззах вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар, ўзгариш ва бунёдкорлик ишлари ҳудуднинг келгуси тараққиёти учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бу ўзгаришлар вилоят аҳолисининг ҳаёт сифатини яхшилашга, иқтисодий ўсишни таъминлашга ва Жиззахни замонавий, обод ва гўзал масканга айлантиришга хизмат қилади.

Жаалил ҲАМИДОВ,
Жиззах политехника институти профессори, педагогика фанлари доктори.

«www.bbc.com» сайтида мамлакатимиз туризм салоҳияти ҳақида «Ипак йўлининг унумдор водийсини камдан-кам саёҳатчилар билади» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

